ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ
Бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган инновацион лойиҳалар асосида қишлоқ хўжалигидаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топиб келмоқда. 4 бет

ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ
"Соғлом она — соғлом бола" концепцияси — амалда 6 бет

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИМИЗ — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ
...қизлар бир-бирига ҳавас қилиб, дўппи кийишибди. Ана шу ҳавас бир кун келиб ғурур ва ифтихорга айлансин, деб ният қилдик... 8 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

18 (724)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри 2010 йил 6 май. Пайшанба 1996 йилдан чиқа бошлаган ISSN 2010-7013

Май-2010

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кенг миқёсда текширувдан ўтказилди.

2003-2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойлардадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди.

Шу билан бирга, текшириш якунларига кўра бир қанча жиддий нуқсон ва камчиликлар аниқланди.

Фойдаланишга топширилган болалар спорти объектлари, айниқса алоҳида жойлашган объектлардан ҳали етарлича самарали фойдаланилмаяпти, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Эскирган спорт анжомлари ва ускуналарини янгилаш ҳамда алмаштириш ўз вақтида таъминланмаяпти. Барпо этилган сузиш ҳавзалари имкониятларидан паст даражада фойдаланилмоқда.

Болалар спорти объектларини тренерлар, айниқса хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш ишлари етарлича олиб борилмаяпти. Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида шундай ҳоллар мавжуд.

Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга аввало Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кенг жалб этиш бўйича тушунтириш ишлари суст олиб борилмоқда. Қизларни, айниқса қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасидаги ишлар ҳали-ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини кенг миқёсда текширувдан ўтказган махсус комиссиянинг хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўн кун муддатда республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилаётган минтақавий филиаллари Ҳомийлик кенгашларининг мажлисларида текшириш натижалари танқидий муҳокама қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарлари текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсинлар, бунда мазкур ишлар тизимли, мунтазам асосда ўтказилиши лозимлиги назарда тутилсин.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2010 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

3. Ишга туширилган болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш биринчи даражали вазифа деб ҳисоблансин, болалар ва ўқувчи- ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий равишда жалб этиш борасида қилинаётган барча ишларнинг натижалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси олдига қўйилган мақсадларга эришиш тўлиқ даражада мазкур вазифани амалга оширишга боғлиқдир.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, таълим органларининг, республика ва вилоят спорт федерацияларининг, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мазкур иш учун жавобгар бўлган бошқа жамоат тузилмаларининг фаолиятига болалар спорти объектларидан фойдаланишнинг ҳолатига қараб баҳо берилсин.

(Давоми 2-бетда)

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Нуронийлар ҳамиша эъзозда

Юртнинг яна бир мусаффо тонгини қарши олдик. Кенгликлар узра нур сочишга чоғланган қуёшнинг ёғдуларига ошуфта бўлган қалдирғочлар рақси аллақачон бошланиб кетган. Беихтиёр томига гулбарглар чирмашган ҳовлидан болалар қий-чувию нуроний онахоннинг дастурхонга фотиҳа сўзлари қулоққа чалинади: «юртимиз тинч, кўнглимиз чароғон, йўлларингиз ойдин бўлсин, болаларим!». Ҳа, бу тинч-осуда ҳаёт, тобора фаровонлашиб бораётган турмушимизга шукроналиқдир. Чиннидек тоза шаҳар кўчалари бўйлаб ишга, ўқишга ошиқаётган ёшларнинг шаҳдам одимида, саҳарлаб далаю даштни обод қилиш истагида кетмонини елкалаб пайкал оралаб юрган деҳқоннинг кўнглида эртанги кунга ишонч лиммо-лим. Бу истагу умидларнинг ортида ТИНЧЛИК отлиғ улуғ бир неъмат мужассам.



Фото-Носир Ҳайдаров

Бугун шу кунлар шукронаси билан яшаётган халқимиз қалб қўрида иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан уруш заҳматини чеккан, аччиқ қисмати оловли йилларга туташ инсонларни қадрлаш, эъзозлаш, улар ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳисси жўш урмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёши улуғ ҳамюртларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 мартда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур ҳужжатга асосан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уруш қатнашчилари ва ногиронларига "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали ва пул мукофоти тантанали тарзда топширилмоқда.

Юртимизда 10 минг нафардан ортиқ иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари бор. Маҳаллаларда, қишлоқу шаҳарчаларда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва ногиронларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўтганлар хотирасини ёд этиш ва эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимизга хос анъанадир.

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида Хотира хиёбонлари бунёд этилиб, Мотамсаро она ҳайкали қад ростлади. Ушбу мажмуаларда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг муборак номлари битилган лавҳлар яратилди. Бу ўтганларнинг тарихий хотирасини тиклабгина қолмай, ёшларни Ватанга муҳаббат, қадриятларга эҳтиром руҳида вояга етказишга замин яратмоқда.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ > [3]

СЎЗ — АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатидан ибрат олишга интилмоқда

© фото-Носир Ҳайдаров

ЎзА мухбирлари Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 1-4 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари ва меҳмонлари билан суҳбатлашди.

Мото КОНИШИ, Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори:

— Форумнинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи анжуманнинг нуфузини янада оширди. Нутқда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт ҳамда инқирозни бартараф этиш борасида олиб бораётган изчил чора-тадбирлари жуда кенг ва теран таҳлил қилинди.

Менга, айниқса, давлатингиз раҳбарининг истиқлол йилларида «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш тутгани жуда маъқул бўлди. Ушбу тамойилга асосланиб юритилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоя, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонасида ишбилармонлар, жумладан хориж бизнес одамлари учун яратилган қулай шароит, берилган кенг имконият ва имтиёзлар бунинг далилидир.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини алоҳида қайд этишни истар эдим. Мамлакатингиз билан ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ишларни янада кенгайтирмоқчимиз.

Казухико ХИГУЧИ, Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари:

— Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли ва самарали ижроси ўзаро муносабатларимизни янада юксак поғонага олиб чиқди. Зотан, ОТБ йиллик мажлисини ўтказиш учун кўплаб мамлакатлар ичидан айнан Ўзбекистон танлангани ҳам бунинг далилидир.

Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда ривожланмоқда. Бу омилни мамлакатингизга киритилаётган чет эл сармояси ҳажмининг тобора ортиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани қўлга киритилаётган бундай ютуқларнинг ёрқин намуналаридандир. Ушбу кўрсаткичнинг янада ошишига ишончим комил. Шу боис дунёнинг кўплаб мамлакатлари Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатдан ибрат олишга интилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҲАФТА МАВЗУСИ

Жамғарма республика бошқарувида

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларида фуқароларни қабул қилиш, хат ва аризаларни кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги хати ижросини таъминлаш масаласи атрофлича муҳокама этилди. Жамғарма бошқаруви раҳбариятининг жойларда фуқаролар билан учрашувларини белгиланган жадвал бўйича ўтказиш ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда жойларда ёшлар муаммоларига бағишланган давра суҳбатини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таклиф маъқулланди. Давра суҳбатига ҳамкор ташкилотлар ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги маҳаллалар фаолларини жалб этиш ҳамда бошқа ташкилий масалалар бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича ва одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиялари томонидан Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари асосида тайёрланган дискни етарли миқдорда кўпайтириш ва барча ҳудудий бўлим ва бўлинмаларга тарқатиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари раислари, масъул котиблари, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бош мутахассислари малакасини ошириш юзасидан ўқув-семинар ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Мажлисда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиш ва манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

Жамғарманинг 2010 йил иш режаси ва "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан назорат режалари ишлаб чиқилиб, барча ҳудудий бўлимларга тарқатиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми, боши 1-бетда)

4. Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, спорт билан шуғулланишнинг оммавийлиги – умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишга қамраб олиниши даражасининг ўзгариши;

иккинчидан, ўрнатилган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, болалар спорти объектларининг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиш даражаси;

учинчидан, болалар спорти объектларининг, тасдиқланган нормативларга мувофиқ, таълим муассасаларида юқори малакали, профессионал тайёрланган тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан хотин-қиз тренерлар билан таъминланганлиги;

тўртинчидан, спорт объектларидан фойдаланиш даражаси – сутка ва ҳафта мобайнида ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар соати миқдори, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

бешинчидан, спорт билан шуғулланиш самарадорлиги – 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлар орасидан етишиб чиққан республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари сони.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иловага мувофиқ алоҳида жойлашган болалар спорт объектларини Халқ таълими вазирлиги органлари балансига топшириш, уларнинг зиммасига мазкур объектларни бундан кейин тегишли даражада сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун жавобгарлик юклаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, таълим муассасалари ҳамда спорт иншоотларининг раҳбарлари зиммасига болалар спорти объектларининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши, уларнинг замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиши, малакали тренер кадрлар билан таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир алоҳида жойлашган болалар спорти объектининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда спорт секциялари ва тўгаракларидаги машғулотлар жадвалларини мақбуллаштириш, ҳар хил спорт турлари, энг аввало бадиий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳисобига болалар спорти объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

болалар спорти иншоотларининг тренерлар билан таъминланганлигини танқидий таҳлил қилиш натижалари бўйича уч ой муддатда болалар спорти объектларини тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ малакали тренер кадрлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, қишлоқ болалар спорти объектларини хотин-қиз тренерлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамда базавий олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари негизида тренерлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилсин, ҳар бир тренер камида 2 йилда бир марта шу тизимдан ўтадиган бўлсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда мутахассис тренерларнинг тарбияланувчилари спорт маҳоратига эришганлиги, республика ва халқаро мусобақалардаги чиқишларининг самарадорлиги учун улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланишининг батафсил инвентаризацияси асосида ишлаб чиқилган нормативларга мувофиқ уларни янада тўлиқ жиҳозлаш, эскирган ашёларни ўз вақтида янгилаш ва алмаштириш бўйича аниқ таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Спорт турлари бўйича республика федерациялари Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларда, тизимли асосда болалар спорти иншоотлари негизида республиканинг етакчи спортчилари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақалар чемпионлари ҳамда совриндорлари иштирокида кўргазмали маҳорат сабоқлари ўтказилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналари билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 1 сентябригача болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис коптоклари, бадиий ҳамда спорт гимнастикаси учун спорт ашёларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун республикада уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ишлаб чиқарилаётган спорт товарларининг, шу жумладан ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи буюмларнинг сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жойлардаги болалар спорти объектларини сақлаб туриш, анжомларни янгилаш, штат жадвалига риоя қилиш, тренер-мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли ҳамда қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин. Айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликка биноан қатъий жазо чоралари қўлланилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 5 май

Республикамиз маҳаллаларида

Раёсат йиғилишлари

«МАҲАЛЛА» хайрия жамғармаси **БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ** бошқарувининг жорий йил биринчи чораги якунларига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда жамғарманинг вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев 2010 йилнинг биринчи чорагига бағишлаб ўтказилган республика бошқаруви раёсат йиғилишида белгиланган вазифалар ҳамда бўлимнинг 2010 йилги иш режаси ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маъруза қилди.

Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 14 та оилага қорамол олиб берилган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида 5000 нафар оилага 90 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилган. Ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари моддий техника базасини яхшилаш, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш ҳам жамғарма эътиборида. Ўтган чорак давомида бу мақсадда 18 та маҳаллага компьютер, 49 та фуқаролар йиғинига эса мебель тўпламлари олиб берилди.

Йиғилишда касаначилик, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши яраштириш комиссияси» танловларини ташкил этиш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, репродуктив саломатликни таъминлаш ва бошқа масалаларда камчиликка йўл қўяётган бўлинмалар фаолияти таҳлил этилиб, уларга аниқ топшириқлар берилди.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

«МАҲАЛЛА» жамғармаси **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ** бошқарувининг 2010 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишлаб ўтказилган раёсат йиғилишида жамғарма вилоят бўлими бошқаруви раиси Муқум Ҳасановнинг маърузаси тингланди. Таъкидланишича, ўтган уч ой мобайнида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда жамғарма иш режасидаги ишлар, жамғарманинг бўлим ва бўлинмаларининг ҳамкор ташкилотлар ҳамда фуқаролар йиғинлари билан биргаликдаги фаолияти яхшиланган.

Йилнинг биринчи чораги давомида ҳам кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар моддий ва маънавий жиҳатдан муҳофаза қилинди. Бунинг учун жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан 2,92 миллион сўмлик, ҳомий ташкилотлар ва саховатпешалар ҳисобидан 15 044 минг сўмлик маблағ сарфланди. Кам таъминланган оилаларнинг 17 та никоҳ ва суннат тўйи ўтказиб берилди. Ногиронлар ва ёлғиз қариялар алоҳида назоратга олиниб, Наврўз байрами арафасида улардан 26 нафарининг уй-жойлари таъмирланди. Хотин-қизлар, айниқса, ёшларга эътибор кучайтирилиб, уларни оммавий спорт мусобақаларига жалб қилишда маҳаллаларнинг роли ошди.

Раёсат йиғилишида сўзга чиққанлар жамғарманинг биринчи чорақдаги фаолиятини атрофлича таҳлил этиб, мавжуд муаммоларга барҳам бериш ҳақида фикрлашиб олдилар. Раёсат кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИда бугунги кунда 610 мингдан ортиқ оила бор. Бу оилалар хонадонига кириб бориш, уларнинг ҳар бири билан узвий алоқада бўлиш жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг доимий эътиборида. Айниқса, ҳар бир фуқаролар йиғини қошида фаолият олиб бораётган маслаҳатчиларнинг асосий иш йўналиши ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг биринчи чорагида мавжуд оилаларнинг аксарияти маслаҳатчилар томонидан ўрганиб чиқилган.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Наманган шаҳар бўлинмасида эса анъанавий удумлар, тўй ва маросимларни замон талабига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказиш борасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

Бундай таҳлилий ва танқидий фикрлар «Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган вилоят бўлимининг 2010 йил иш режаси ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан йилнинг дастлабки чораги якунларига бағишланган йиғилишида айтиб ўтилди.

Жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Олимжон Нуриддинов ўз маърузасида биринчи чорақда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан масъулларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш, уларни келгусида такрорламаслик юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Бу борада раёсатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

«МАҲАЛЛА» жамғармаси **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ** бошқарувнинг жорий йил биринчи чорак якунларига бағишланган йиғилишини бошқарув раиси Р. Қутлимуродов очиб, тизимда биринчи чорак давомида қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган баъзи камчиликлар хусусида гапирди.

Таъкидланишича, чорак давомида вилоят бўйича 428 та фуқаролар йиғинида 1051 та маънавий тадбир ўтказилган. Шунингдек, 1627 ногиронга 212 миллион сўмлик, 620 нафар ёлғиз кишига 15,1 миллион сўмлик, 3618 та ёш оилага 32 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Йиғилишда жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан белгиланган режалар асосида ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида фуқаролар йиғинларида амалга оширилган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, жорий йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида тизимда кўзга ташланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

2010 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йиғин мутасаддиларининг малакасини ошириш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, компьютер саводхонлигига доир кўникмаларини бойитиш "Маҳалла" жамғармаси **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ**нинг диққат марказида бўлди.

Қолаверса, чорак давомида ҳомийлар маблағини жалб этган ҳолда 29 та оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилингани, 38 та кам таъминланган ва ёш оила фарзандларининг тўйлари ўтказиб берилгани, жамғарма ҳисобидан 8 044 минг сўм, ҳомийлар ҳисобидан 319 минг сўм сарфланиб, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилгани ҳам диққатга молиқдир.

Жамғарманинг вилоят бўлими мутасаддилари жорий йил биринчи чораги якунларига бағишланган йиғилишда шулар ҳақида сўз юритиб, келгусидаги энг муҳим ва устувор вазифаларни белгилаб олишди. Айтиш жоизки, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳамда жамғарманинг иш режасида белгиланган вазифаларни намунали ижро этиш бўлинмалар ва фуқаролар йиғинларининг доимий эътиборида бўлади.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ХАБАРЛАР

Амалий машғулот

Гулистон шаҳрида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Семинарда «Маҳалла» жамғармасининг туман ва шаҳар бўлинмалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди. Семинар уч гуруҳга бўлинган ҳолда, интерфаол мулоқот ва баҳс-мунозаралар тарзида ўтди.

Ташкилий масала кўрилди

Гулистонда «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлимининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви раиси вазифасида ишлаган Ш.Мирзаев ўз аризасига кўра лавозимидан озод этилди. Аввал вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасини бажариб келган Абдурашид Рустамов жамғарма вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СЎЗ – АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатидан ибрат олишга интилмоқда

(Давоми, боши 1-бетда)

Наото КАН, Япония бош вазирининг ўринбосари, молия вазири:

– Мамлакатингизда бундай нуфузли анжуманнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг юксак сиёсий обрў-эътибори ва улкан иқтисодий салоҳияти намоёнидир. Яхши маълумки, Ўзбекистон молиявий-иқтисодий инқироз гирдобига тушмади. Мамлакатингиз юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришди. Бу Ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларни қамраб олган. Хусусан, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг муваффақиятли ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Лу БРЕФОР, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари:

– Мазкур анжуман долзарблиги билан дунёнинг барча мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Мажлис иштирокчилари кўплаб зарур ва фойдали маълумотлар олиш, тажриба алмашиш имконига эга бўлдилар.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган юртингизда банк-молия тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон молиявий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ўзбекистон бу борадаги иқтисодий ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришига ва бу юксак самаралар беришига ишонаман. Боиси, банклар ҳар бир мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватловчи муҳим манбадир. Давлатнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан ушбу молиявий тизимнинг фаолиятига боғлиқ.

Юртингизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, экспортга йўналтирилган корхоналарга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ҳисобидан харажатларни камайтириш ва даромадни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

Рудольф-Жозеф Рашад КАЛЬДАНИ, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти (АҚШ):

– Юксак савияда ташкил этилган ушбу анжуманга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турди. Мажлис баҳонасида мамлакатингизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар билан ҳам танишдим. Мазкур анжуман, шунингдек, турли мамлакатларнинг етакчи экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг Ўзбекистонда ўтказилганининг ўзи мамлакатингизда иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самараларидандир. Кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб жуда тўғри иш тутганини яна бир бор тасдиқлади.

Ташриф асносида, мамлакатингиз банклари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан муайян келишувларга эришганимиздан ғоят мамнунмиз.

ЎзА мухбирлари ёзиб олди.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ҳушёрлик дунёни асрайди

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида қабул қилинган «Диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча дастур» ижроси бўйича «Маҳалла» хайрия жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, жойларда турли диний-экстремистик оқимларга мойиллиги бор оилалар, ноқонуний диний таълим бериш, миссионерлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларини аниқлаш ва уни бартараф этиш бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда, руҳшунос, исломшунос уламолар ёрдамида маҳаллаларда, ёшлар ўртасида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Ургут туманида «Огоҳлик, ҳушёрлик дунёни асрайди» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари долзарб йўналишларда маърузалар қилишди, кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб беришди, муаммолар ечими бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Тадбирда, шунингдек, миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни унутмаслик, ёшлар ўртасида Ватанга меҳру муҳаббат туйғусини юксалтириш хусусида сўз юритилди.

Бундай ўқув-семинарлар Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ташкил этилиб, очиқ мулоқот тарзида ўтказилди.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Нуронийлар ҳамиша эъзозда

© фото-Носир Ҳайдаров

Навоийлик бир гуруҳ отахонлар Тошкентдаги Шаҳидлар хотираси мажмуасида

Сиҳатгоҳга бепул йўлланма

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Пахтаобод туманидаги «Маданият» сиҳатгоҳи Андижон вилоят шаҳар ва қишлоқларидан келган 50 нафар иккинчи жаҳон уруши фахрийларини қабул қилди.

Урушнинг оғир кунларини бошидан кечирган бу мўътабар инсонларга дам олиш учун бепул йўлланмаларни «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими тақдим этди.

— Фахрийларимиз ўн кун давомида ўз саломатлигини яхшилаш билан бирга, турли тадбирларда ҳам иштирок этадилар, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Икромиддин Валиев. — Ҳозиргача Наманган шаҳри, Пахтаобод, Избоскан туманлари ҳаваскор санъаткорлари, Андижон шаҳридаги «Мерос» дастаси санъаткорлари фахрийлар ҳузурида бўлиб, отахонларга хуш кайфият улашишди.

«Маданият» сиҳатгоҳининг маъдан суви таркиби машҳур Трусковецк курортидаги нафтус суви билан ўхшаш. Бу сув билан ошқозон-ичак, жигар, буйрак, ўт пуфаги, сариқ, қанд касалликларини самарали даволаш мумкин. Дарҳақиқат, уруш қатнашчиларининг соғлиғини мустаҳкамлашда маъдан суви ва бошқа муолажалар самарали таъсир кўрсатмоқда.

Байрам арафасида фахрийларга «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Мухбиримиз.

ЗИЁРАТ

Самарқандга саёҳат

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Дин ишлари бўйича қўмита ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни олдидан Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилаётган 50 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Фахрийлар сафар давомида Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Регистон, Шоҳи Зинда каби қадамжоларни зиёрат қилишди. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, ёшлар билан учрашишди. Шундан сўнг улар Самарқандда ташкил қилинган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларини хотирлаш тадбирида иштирок этдилар.

Тадбир жараёнида пойтахтлик ва самарқандлик фахрийлар дилдан суҳбатлашишди, ўтганларни хотирлашди, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари юзасидан тўлқинланиб сўзлашишди.

Мухбиримиз.

ФАХРИЙЛАР ФАХРИМИЗ

Отахонлар эл ардоғида

Элмуроднинг олам-олам орзулари бор эди. Начора, тақдир экан. Ўша йили у ҳам тенгдошлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди. Иккинчи жаҳон урушининг ўт-оловли йўлларини босиб ўтди. Ватандан олисда қанчадан-қанча сафдошларидан айрилди...

Саноқли дўстларигагина ғалаба нашидасини суриш, ўз она юртини қайта кўриш насиб этди. Шу боис, Элмурод ота собиқ фронтчи дўстлари – 90 ёшли Пўлат бобо Собиров, Файзулло бобо Ибрагимов, Қурбон бобо Чориев, Мустафо бобо Шарипов, Бозор бобо Болтаев, Шукур бобо Маматназаров ва Қилич бобо Чўпоновлар билан ҳар гал учрашганида бугунги осойишта кунларга шукроналар айтади.

Отахонлар Қоракўл саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи, Иқтисодиёт коллежи, Қишлоқ хўжалик коллежи, тумандаги 1-, 8-, 15-умумтаълим мактаблари ўқувчи ёшлари билан турли байрамлар ва қутлуғ саналарда учрашганларида уларни Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб камол топишга даъват этадилар.

Ҳа, улар бугун эл-юрт ардоғида. Элмурод ота Жўраев каби уруш ва меҳнат фахрийларининг қадрига етиш, меҳр кўрсатиш, ҳурматини жойига қўйиш халқимиз ва миллатимизга хос бебаҳо фазилатдир. Урушнинг заҳматини чеккан Элмурод бобо кўп йиллар Қоракўл туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги архив бўлинмасида фаолият юритди. Раҳматли умр йўлдоши Эргашой ая билан уч ўғил ва олти қизни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунда бобо "Пахтакор" маҳалласи фуқаролар йиғинида ўтказилаётган тадбирларда, тўй-маъракаларда фаол қатнашибгина қолмай, ўз чорбоғида ёш ниҳолларни, картошка, пиёз ва бошқа полиз маҳсулотларини парваришлаш, гулларни кўпайтиришдек миришкорлик, ободончилик ишлари билан банд.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йилларидаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига биноан, икки юз минг сўм миқдоридаги пул мукофоти фахрийлар қатори Элмурод бобога ҳам тантанали равишда топширилди. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими эса бир гуруҳ фахрийларга байрам арафасида совға-саломлар улашди.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
журналист.

ОБОД ГЎШАЛАР

Хиёбон барпо этилди

ИККИНЧИ жаҳон урушига йўл олган минглаб ўғлонлар орасида наманганлик Жўрахон Саидаҳмедов ҳам бор эди. Беомон жангларда яраланиб, 1944 йили уйига қайтган Жўрахон Саидаҳмедов умрини тиббиёт соҳасига, одамларнинг дардига малҳам бўлишга сарфлаб келмоқда. У Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали шифокор. Ёши тўқсонга яқинлашиб қолган, лекин ҳамон ёшлардай серғайрат бу отахонни нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши танийди, ҳурмат қилади. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 65 йиллиги арафасида отахоннинг кундалик юмушлари янада кўпайган. Чунки кеча мактабдан учрашувга чақиришган бўлса, бугун маҳалладошлар билан бир пиёла чой баҳона дилдан суҳбатлашишни режалаштирган. Эртага шаҳар марказида янги барпо этилаётган Хотира хиёбонини томоша қилиб, қуролдошларини эсламоқчи...

Бугунги кунда вилоятда иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан 654 нафарига вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилмоқда. Таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда бошланган учрашув ва суҳбатлар маҳалла гузарларига, туманлар марказларига кўчди. Уйидан чиқолмайдиган, тўшакда ётган уруш ногиронлари, кексалар ҳолидан хабар олиниб, эъзозланмоқда.

Вилоят аҳли бу йилги Хотира ва қадрлаш куни арафасида қурувчилардан ажойиб туҳфа олишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 августдаги «Наманган шаҳрини 2009—2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида шаҳар марказида миллий меъморчилигимиз асосида, замонавий услубда Хотира хиёбони барпо этилди. Икки томони муҳташам айвон, тўрида «Мотамсаро она» монументи, атрофи гулзор. Ўзгача салобат билан қад ростлаган бу муқаддас маскан қалбингизда ажиб туйғуларни — Ватанга, она заминга муҳаббат, аждодларга ҳурмат ҳиссини жилолантиради. Шу боис, мажмуа наманганликларнинг энг азиз, қадрли гўшаларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

ЭҲТИРОМ

Юбилей медаллари топширилди

БУГУНГИ кунда Навоий вилоятида 393 нафар уруш қатнашчиси ва 4730 нафар уруш ортида хизмат қилган фахрийлар истиқомат қилади. Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятининг туман ва шаҳарлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларида ҳам Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, уруш ва меҳнат фахрийларига юксак эҳтиром кўрсатилмоқда.

Навбаҳор тумани ҳокимлиги, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда туман Мудофаа бўлими ҳамкорлигида «Камалак» болалар ормгоҳида 47 нафар уруш қатнашчиси иштирокида байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда уруш қатнашчиларига Юртбошимиз фармонига асосан пул мукофотлари, «Ғалабанинг 65 йиллиги» медали ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Тадбирда қатнаша олмаган фахрийларнинг хонадонларига бориб хабар олинди.

— Осойишталик нақадар қадрли туйғу, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бафо бобо Баҳромов. — Юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларини кўриб, шундай тинч ва обод юртда, халқимиз ардоғида яшаётганлигимизга шукроналар айтамиз.

Байрам дастурхони атрофида давом этган тадбир туман маданият бўлими санъаткорларининг куй-қўшиқлари билан янада файзли бўлди. Бундай тадбирлар туманнинг Қизилтепа ва Нурота туманларида ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
«Mahalla» мухбири.

ҚАРИЯЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз

© фото-Носир Ҳайдаров

Тошкент вилояти Қибрай тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Йиғин раиси ҳамда 8 та маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирга иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нуронийлар, фахрийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Иштирокчилар учун ёзилган байрам дастурхонига баҳорий тансиқ таомлар тортилди.

— Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизни хотирлаш, ўтиб кетган ота-боболаримизни ёдга олиш, қолаверса, бугунги дориломон кунимизга шукрона айтиб умргузаронлик қилаётган кексалар ҳолидан хабар олиш, халқимизга хос бўлган фазилат, — дейди Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аваз Ибрагимов. — Айни пайтда қишлоғимизда 4 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилаётир. Улар ҳолидан тез-тез хабар олиб турамиз. Уюштириладиган саховат тадбирлари эса нуронийлар иштирокисиз ўтмайди. Албатта, улар кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланиб тажриба орттирган пиру бадавлатлар. Шу боис, улар берган панду насиҳат, кўрсатган йўл-йўриқлар фаолиятимиз давомида асқатаётир. Бир сўз билан айтганда, нуроний отахону онахонларимизнинг аҳоли фаровонлиги, хонадонлар тинч-тотувлиги, йиғинимиз мавқеини оширишдаги ҳиссаси беқиёс.

Ҳа, қишлоқ одамлари кўнгли очиқ, самимий, бир-бирлари билан иноқ ва ҳамжиҳат. Ҳеч ким хайрли, эзгу ишлардан четда турмайди. Буни байрам тадбирининг уюшқоқлик билан ўтказилганидан ҳам билса бўлади.

— Қариялари қадрланган юрт кам бўлмайди, — дейди «Тўқайтепа» маҳалласида истиқомат қилаётган 85 ёшли иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бўривой Саиднасиров. — Яраттанга шукрки, бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бир пайтлар урушда қатнашиб, бошидан не-не қийинчиликларни ўтказган тенқурларим ҳам бугунги дориломон кунларга шукрона айтиб, умргузаронлик қилаётганига шак-шубҳа йўқ. Биз кексаларга кўрсатилаётган бундай эътибору ғамхўрликдан мамнунмиз.

Тадбирда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар ёдга олинди. Шунингдек, байрам якунида йиғин мутасаддилари томонидан уруш қатнашчиларига кийим-кечак ва эсдалик совғалар топширилди.

Ҳусниддин СУЛТОНОВ

ИНСОН АЗИЗ

Яхшиларни ёд этмоқ савоб

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг эзгу ишлари кейинчалик ҳам ҳамкасблари ва шогирдлари йўлини ёритиб, хайрли амаллари инсонларни ёруғ манзилларга чорлаб туради. Қўшработ туманидаги Ўразмат қишлоғида туғилиб ўсган Убайдулла Тошбоев ҳам доимо одамлар оғирини енгил қилишга интиларди. Шу боис, маҳалладошлари эндиликда бу инсоннинг савоб ишларини, фазилатларини тез-тез эслашади.

— Ҳудудимизда ибратли оилалар кўп. Лекин улар орасида «Қовунчи» маҳалласидаги Тошбоевлар хонадони алоҳида ажралиб туради. Оила бошлиғи Убайдулла ота Тошбоев маҳалламиздаги кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлганди, — дейди Қўшработ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурайим Ғофуров. — Юртимизда Хотира ва қадрлаш кунининг кенг нишонланиши муносабати билан Убайдулла Тошбоев сингари фидойи инсонлар хотираси ҳам эъзоз топди. «Қовунчи» маҳалласида 3700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги 2 нафар уруш қатнашчиси, 480 нафар фахрий инсонлар доимо эътиборимизда. Энг муҳими, йиғинимизда Убайдулла отага ўхшаган фидойи инсонларни хотирлаш, кексаларни қадрлаш, ҳолидан хабар олиш ишлари фаолиятимизнинг муҳим йўналишига айланган.

Убайдулла Тошбоев қишлоқда чорвачиликни ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини яхшилаш, янги боғлар барпо этиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ ва маҳалласини обод қилишга муносиб ҳисса қўшди. Меҳнат фаолиятини ҳисобчиликдан бошлаган Убайдулла ота кўп йиллар «1-Қўшработ» хўжалигида агроном, бўлим бошқарувчиси, қишлоқ кенгаши раиси вазифаларида фаолият юритди. Одамлар ташвиши билан яшаш иштиёқи, ҳалоллиги, камтарлиги билан эл орасида обрў топди.

У кишининг илм аҳлига ҳурмати баланд эди. Доимо қишлоқ ёшлари билан олимлар учрашувларини уюштириб, уларнинг мулоқотларини мароқ билан тингларди. Ўрозмат қишлоғидан фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиқиши, бугун уларнинг турли йўналишларда мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаётгани ана шу учрашувлар, суҳбатларнинг самараси, албатта.

Мамарасул ШУКУРОВ,
Қўшработ иқтисодиёт ва сервис коллежи директори.

Инновацион лойиҳалар — тараққиёт омили

© Фото-Носир Ҳайдаров

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш борасида инновацияга, яъни илмий лойиҳаларни ҳаётга кенг татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада бугунги кунда оғир ва енгил саноатнинг турли соҳалари, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари инновацион лойиҳалар асосида ривожланиб бормоқда. Айниқса, юртимиздаги институт, университет ва илмий текшириш институтларида ишлаб чиқилаётган замонавий ғояларни ўзида мужассамлаштирган илмий ишлар инновациянинг янада кенгайишида муҳим омил бўлаётир.

Масалан, Тошкент давлат аграр университети республикамиз агросаноат мажмуи учун замонавий, илғор аграр ва агроиқтисодий билимлар, техника ва технологияларни яратиш, уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг жорий қилиш бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Шунингдек, бу университет таълим, фан ва ишлаб чиқаришни узвий равишда интеграциялаштиришда йирик илмий-тадқиқот маркази ҳамдир. Айтиш керакки, кейинги йилларда университет профессор-ўқитувчиларининг саъй-ҳаракати билан давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган илмий лойиҳаларнинг сони ошиб бормоқда. 2009 йилда университетда умумий ҳажми 464200 минг сўмлик 36 та амалий, битта фундаментал ва 5 та инновацион лойиҳалар бўйича тадқиқотлар ҳамда 98048 минг сўмлик 2 та чет эл илмий грантлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилгани фикримиз тасдиғидир. Жорий йилда эса университет «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» III Республика ярмаркасида 66 та инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар билан қатнашиб, уларни жорий қилиш бўйича фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан 467138 минг сўм миқдоридаги 73 та хўжалик шартномасини тузди.

Бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган инновацион лойиҳалар асосида қишлоқ хўжалигидаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топиб келмоқда. Хусусан, очиқ ва ёпиқ майдонларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши уйғунлаштирилган биологик ҳимоя воситаларининг янги турлари ва уларни қўллаштириш технологияси ишлаб чиқилди ва у вилоятлардаги барча биолабораторияларга тарқатилмоқда. Ўзбекистоннинг очиқ ва ҳимоя қилинган ерларида етиштиришга мослашган юқори ҳосилли, мазали, касалликларга чидамли бодринг навлари ва дурагайларини яратиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида бодрингнинг касалликларга чидамли юқори ҳосилли нав ва дурагайлари ажратиб олинди. Бундан ташқари, бодрингнинг янги нави ва дурагайлари Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Ҳамидулло кўчатлари» ҳамда Андижон вилояти Марҳамат туманидаги «Муҳаммадмусо» фермер хўжаликларида татбиқ қилинмоқда. Шу билан бирга очиқ дала шароитига мос келадиган маҳаллий помидор навлари танлаб олиниб, уларнинг уруғи ва ҳосилини етиштиришнинг технологик тадбирлари ишлаб чиқилиб, помидор ҳосилдорлиги 15-18 фоизга оширилди.

Янги сабзавот — дайкон ўсимлигини етиштиришга татбиқ этиш бўйича бажарилган ишлар ва бу борада дайконни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уруғчилиги бўйича тавсияномалар чоп этилгани ҳам диққатга сазовор. Мазкур технология Тошкент вилоятининг сабзавотчилик билан шуғулланадиган 13 та фермер хўжаликларига тадбиқ қилинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг турли тупроқ иқлим шароитларида сувсизликка ва шўрга чидамли «Африка тариғи» ўсимлигини етиштириш агротехникасини жорий қилиш бўйича бажарилган ишлар натижасида «Африка тариғи»нинг қатор навлари суғориладиган шароитда синовдан ўтказилиб, шўрланган тупроқ шароитига татбиқ қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, университет нафақат турли экинлар етиштириш, балки қишлоқ хўжалиги техникалари самарадорлигини ошириш бўйича ҳам бир қатор инновацион лойиҳаларни ишлаб чиққан. Масалан, Тошкент трактор заводи билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик техникаларининг энергетик асоси ҳисобланган универсал чопиқ-ҳайдов тракторлари трансмиссиясидаги мойловчи материални турли ифлосликлардан тозалаш усули яратилган. Ушбу усул трансмиссиядаги ишқаланиб ишлайдиган қисмларнинг ейилишини камайтириш ҳисобига уларнинг ишлашини 15-20 фоизга ошириш, трансмиссия мойини алмаштириш муддатини узайтириш ҳисобига унинг харажатини 1,5 мартага камайтиришни таъминлайди. Мой тозалаш усулини қўллашдан кутиладиган иқтисодий тежамкорлик ҳар бир трактордан йилига 560 минг сўмни ташкил этади.

Яна бир лойиҳа асосида ғўзапояли далаларга кузда ишлов бериб, пушталари экишга тайёрлашнинг тупроқ ва атроф-муҳитни ҳимояловчи технологияси ва уни амалга оширувчи комбинациялашган агрегати ишлаб чиқилди. Ушбу технология ва агрегатнинг тажриба нусхалари махсус ажратилган далаларда синаб кўрилиб, Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги «Қўзибой ота Давлатов» фермер хўжалигида жорий этилди. Комбинациялашган технология ва агрегат амалдаги технологияга нисбатан тупроқ эрозияси ва зичланишини камайтириб, унумдорлигини оширишга ҳамда ёқилғи-мойлаш материаллари ва металлар сарфини 3-4 марта, вақт ва меҳнатни 50-60 фоиз тежашга имкон беради. Битта агрегатдан кутиладиган иқтисодий самарадорлик йилига тахминан 4 миллион сўмни ташкил этади.

Эътиборлиси, университетимиз жамоаси томонидан яратилган ушбу инновацион ишланмалар тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув жараёнида ҳам фойдаланилмоқда. Уларни кенг жорий қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Э.ХАЙДАРОВ,
Д.МАМАДИЁРОВ,
Тошкент давлат аграр университети доцентлари.

Ўзбекистон халқ артисти МАЛИК ҚАЮМОВ

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жуболикка учради. Миллий кино санъатимизнинг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Малик Қаюмов шу йилнинг 29 апрель куни 98 ёшида вафот этди.

Малик Қаюмов 1912 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. 1932 йилда Бутуниттифоқ давлат кинематография институтини тугатганидан сўнг Тошкентдаги "Шарқ юлдузи" кинофабрикасида кинооператор ёрдамчиси сифатида иш бошлади. Ўзбекистонда яратилган дастлабки ҳужжатли ва бадиий фильмларни суратга олишда иштирок этди.

У 1932-1946 йилларда Тошкент кинохроника студиясида кинооператор, "Союзкинохроника"нинг Ўрта Осиё бўйича мухбири бўлиб ишлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳужжатли фильмлар марказий студиясининг ҳарбий кинооператори сифатида фашизмга қарши курашда намоён этилган жасорат ва матонат намуналарини кинотасмаларга муҳрлашда фидойилик кўрсатди.

1946-1961 йилларда Тошкент бадиий ва ҳужжатли хроникал фильмлар студиясида кинооператор, режиссёр ва директор лавозимларида ишлади. Айниқса, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг директори ва бадиий раҳбари, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг биринчи котиби лавозимларидаги фаолияти давомида у республикамизда кино санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

М.Қаюмов давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. У 1990-1994 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати сифатида самарали фаолият олиб борди.

Моҳир кинооператор ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти мобайнида 200 дан ортиқ ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларни суратга олиб, юртимизда ушбу йўналиш бўйича ўзига хос мактаб яратди. Унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, ўлкамизнинг бетакрор табиати, халқимизнинг бой тарихи, миллий анъаналари, юксак фазилатларини тараннум этишга қаратилган "Она диёр", "Тўрт дарвозали шаҳар", "Ўзбекистонимизга келинг", "Баҳордан баҳоргача", "Гўзалликнинг уч сири", "Самарқанд ҳамиша мен билан", "Ўзбек атласи" сингари ҳужжатли фильмлари миллий кино санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

М.Қаюмовнинг ўзбек маданиятини ривожлантириш йўлидаги самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланган эди.

Улкан санъаткор, камтарин инсон, меҳрибон устоз Малик Қаюмовнинг ёркин хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АРИПОВ, А.ИСҲОҚОВ, Ҳ.ФАЙЗИЕВ

ДАВРА СУҲБАТИ

Парламент назорати ва ОАВ

ОЛИЙ МАЖЛИС Қонунчилик палатасида «Парламент назорати самарадорлигини оширишда ОАВнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаларида парламент олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш эканлигини таъкидлаб: «Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, кўп жиҳатдан, оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир», деган эди.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътибори қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини қўллашнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан кенг фойдаланиш, парламент назорати, хусусан, парламент сўрови ва парламент эшитувининг самарадорлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини янада ошириш масалаларига қаратилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, жамият бошқарувининг демократик принципларидан бири вакиллик органларига ижро ҳокимияти устидан назорат қилиш ваколатининг берилиши бўлиб, у ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида барқарор мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланган бўлиб, мамлакат парламентига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига парламент сўровини йўллаш, давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиш, жойларда қонунларнинг бажарилиши юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб бориш ваколатларини беради.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар, ўтган 5 йил давомида парламент томонидан қонунлар ижросини ўрганиш бўйича икки юзга яқин назорат-таҳлил ишлари олиб борилгани, аммо бу борада етарлича натижага эришилмаганига тўхталиб, ушбу ҳолатларнинг юзага келиш сабабларини атрофлича таҳлил этишди ва келгусида уларнинг олдини олиш, мазкур йўналишда қилиниши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатида парламент, депутатлар ва ОАВ ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, депутатлар корпуси ишини ёритишда журналистлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, парламент назорати ва ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболлари, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат фаолиятини ОАВ томонидан ёритилишининг замонавий усул ҳамда технологиялари хусусидаги хорижий тажриба ва амалиётнинг ибратли жиҳатлари очиб берилди. Анжуманда қабул қилинаётган қонунлар қанчалик пухта, сифатли бўлмасин, агар уларни ҳаётга жорий этиш устидан қатъий парламент назорати ўрнатилмас экан, бу борада самарадорликка эришиш қийин экани таъкидланди. ОАВ билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр алмашилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар парламент назоратини кучайтиришда ОАВнинг ўрни ва ролини алоҳида кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда, парламент назорати билан боғлиқ долзарб материалларнинг чоп этилиши, ўз навбатида, миллий матбуотнинг сифати, таъсирчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашини ҳам қайд этдилар.

Тадбир сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Наима НИШОНОВА.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Ҳалол меҳнат ризқ-баракани орттиради

Меҳнат кишини улуғлайди, чинакам бахт манзиллари сари етаклайди. Ҳалол меҳнатлари ортидан даромади ошиб, бахтли турмуш кечираётган инсонлар Бувайда туманида ҳам кўплаб топилади.

Туманнинг "Оққўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Найман" маҳалласи яшовчи Ғуломжон Абдураззоқов узоқ йиллардан буён томорқасидан унумли фойдаланиб келади. Бир юмуш билан мутассил шуғулланавергач, тажриба ҳам ошиб бораркан. Бошқалар томорқасидан бир ёки икки маротаба ҳосил олса, Ғуломжон ака уч карра ҳосил етиштирмоқда. Қиш кунларида томорқасига плёнка остига кўчат учун қалампир, булғор қалампири, помидор экиб қўйган эди. Натижада Ғуломжон ака кўчат сотиб 7 миллион сўм соф даромад олди. Айни кунларда бўшаган ерга қанд лавлаги кўчатларини ҳам экиб бўлди.

— Асли касбим ҳайдовчи. Рўзғорга ёрдам бўлсин, деган мақсадда оиламиз билан томорқамизда меҳнат қиламиз, — дейди Ғуломжон Абдураззоқов. — Даромадимиздан икки қизни узатдик, набираларга тўй қилдик. Худо хоҳласа, ёзда ўғилни уйлантириш ниятимиз бор. Ерга астойдил меҳр билан қарасангиз, ер ҳам сизни қуруқ қўймас экан. Томорқани ўз вақтида озиқлантириш, муҳим агротехник қоидаларга амал қилиш баракали ҳосил етиштиришга омил бўлаяпти. Бу йилги илк даромадимиздан "Нексия" русумли автомашина сотиб олдик. Одамлар ризқ излаб хорижий давлатларга бориб келишяпти. Ҳайрон қоламан, ўзимизда ишлайман, деган киши учун ҳамиша иш топилади. Инсон ҳеч бўлмаганда ўз томорқасидан мақсадли фойдаланса ҳам яхшигина даромадга эга бўлади. Меҳнатнинг яна бир афзал жиҳати шуки, куни билан томорқада ишлаган фарзандларнинг кечқурунлари кўчада бемақсад саёқ юришга фурсати ҳам, хоҳиши ҳам бўлмайди.

Маҳалла оқсоқоли Икромжон Шерназаровнинг таъкидлашича, маҳалладаги 910 та хўжаликда яшовчи 4467 нафар аҳолининг турмуш тарзи асосан томорқадан унумли фойдаланиш эвазига фаровонлашиб бормоқда. Маҳалла аҳли ўз томорқаларида кўчат етиштириб, вилоят ва туманларга етказиб беришаркан. Томорқасидан самарали фойдаланаётган оилалар ўзининг шахсий машинасига эга бўлишяпти, янги уйлар қуриб, тўйлар қилишяпти. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда бошқа масъул идораларнинг вакиллари томорқалардан мақсадли фойдаланиш борасида йўл-йўриқ ҳамда тавсияларини бериб боришмоқда. Эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар кўмаги билан уруғликлар етказиб берилаётир.

— Изланган имкон топади, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Ғуломжон азалдан ҳаракатчан, бекор ўтиришни асло хушламасди. Уйининг олдидан ўтган ариқзовурлар икки-уч йил бурун, сув оқмайдиган аҳволга келиб қолганди. Оиласи билан тер тўкиб, ғишт ётқизиб чиқишди, боҳонада йўл текисланиб, тартибга келиб қолди. Бундай меҳнаткаш инсонлар маҳалламизда кўпчиликни ташкил қилади. Аҳоли ихтиёридаги 66,8 гектар томорқада, асосан, полиз ва резавор кўчатлар етиштирилади. Деҳқончиликнинг ҳадисини олиб, томорқадан юқори ҳосил ундираётган маҳалладошларимизнинг турмуш тарзи йил сайин яхшиланиб бораётир.

Найманлик Собиржон Бадалбоев бундан 36 йил аввал қўшни Учкўприк туманининг Ҳасанқора қишлоғида кўчат етиштирувчиларга бир йилдан зиёд шогирд бўлиб юриб, уларнинг ҳунарини ўзлаштирганди. Ўтган йиллар давомида бир-бирларидан кўчат етиштириш сир-асрорларини ўрганиш ҳисобига бугунги кунда маҳалладаги салкам 700 та хўжалик шу иш билан шуғулланиб келяпти. Шунингдек, маҳалланинг 20 та хонадонидаги иссиқхоналарда етиштирилаётган помидор, бодринг, лимон сингари маҳсулотлар юртимиз бозорларини тўлдирмоқда. Маҳалладаги Солижон Ризаев 3 сотихлик иссиқхонасидан 3 тонна лимон етиштириб, 10 миллион сўмдан зиёд даромад қилди.



"Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Мухторжон Жумаев ҳамроҳлигида "Оққўрғон" қишлоғида яшовчи тадбиркор Шерали Йўлдошевнинг иссиқхонасини бориб кўрдик. Шерали тадбиркорлик билан шуғулланиш, иссиқхона ташкил қилиш мақсадида банкдан 10 миллион сўм кредит олибди. Иссиқхона ишга туширилгач, 4 киши доимий иш билан таъминланибди. Унинг айтишича, бу йилги ҳосилнинг ўзидан банкдан олинган кредит маблағини қайтариб, ундан орттириб 5-6 миллион сўм атрофида даромад олишни кўзда тутаётган экан.

Хуллас, Бувайда туманида аҳоли томорқаларидан мақсадли фойдаланиш ҳисобига етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ва ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. Бу эса бозорлардаги нархнинг пасайишига ҳамда одамларнинг яхши яшашига хизмат қилмоқда.

Азамат МАҲМУДОВ,
"Mahalla" мухбири.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Қадриятларга ҳурмат, келажакка ишонч билан

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда».

Бу юксак эътироф маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир кишини ўз гўшаси билан фахрланишга, унинг ўтмиши ва бугунини чуқурроқ ўрганишга, миллий урф-одатлару анъаналарнинг мазмунмоҳиятини истиқлол ғоялари билан янада бойитишга муносиб ҳисса қўшишга чорлайди.

Мустақиллик шарофати билан Президентимиз раҳнамолигида маҳалла мавқеини юксалтириш, унинг қадр-қимматини, обрў-эътиборини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг бетакрор ва ноёб шакли сифатида эътироф этилиб, ҳуқуқий асослари янада кенгайтирилди. Ўз навбатида, мамлакатимизда қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар, хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар йиғинлар фаолиятига янгича мазмун-моҳият олиб кириш билан бирга, унинг масъулиятини ҳам оширди. Мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш, маҳалла аҳлига мақбул нархда савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатишнинг қонуний меъёрларини белгилаш, ҳудуддаги фойдаланилмаётган бино, эгасиз қолган уй-жой, шунингдек, бошқа иншоотларни қонунда белгиланган тартибда унинг тасарруфига ўтказиш, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари даромадининг маълум бир фоизини маҳалла ҳисоб рақамига ўтказиш, ободонлаштириш ишларида ҳомийлик ёрдамини уюштириш сингари қатор эзгу мақсадларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб олишда кенг имкониятлар эшигини очди.

© фото-Носир Ҳайдаров

Биз маҳалламиз ҳудудидаги 110-умумтаълим мактаби мутасаддилари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Таълим масканида ҳуқуқшунос олимлар, шифокорлар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилаётган тарбиявий аҳамиятга эга тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўз самарасини беряпти. Шунингдек, йиғин ҳузурида фаолият олиб бораётган комиссиялар аъзоларининг ҳамкорликдаги фаолияти оилаларда халқимизнинг ноёб хислат ва фазилатларини камол топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бу эса аҳолининг тинч-тотувлигини, унинг маҳалла манфаатлари учун бир ёқадан бош чиқариб, ташаббускорлик билан ёндашишини таъминламоқда. «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат ҳамда эртанги кунга ишонч руҳида тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаол иштироки маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга, бу йўналишдаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга имкон бермоқда. Ҳудуддаги Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театри, «Шарқ зиёкори» китоб дўкони, 1-сонли оилавий поликлиника жамоалари билан бамаслаҳат қилинаётган хайрли ишлар маҳалла аҳлида мамнуният туйғуларини уйғотаётир. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Қаландар Тойиров, Мажид Бердиев, Собитхон Қурбонов, Ориф Иброҳимов, Отақул Азизбердиев, Шукур Камолхўжаев, Учқун Назаров, Аброр Шомақсудов, Владимир Яшкин, Наталья Глуховская, Эдуард Поднос, Дўнан Ғаниев, Маҳфуза Толипова, Нигматилла Қосимов сингари нуроний отахонлару онахонлар юзага келадиган муаммонинг ўз вақтида тўғри ва оқилона ҳал этилишига катта ҳисса қўшишяпти.

Бугун маҳалла аҳли ҳудудни янада ободонлаштириш, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришдек эзгу ишлар билан машғул. Шу мақсадда барпо этилаётган «Истиқлол болалари» номли истироҳат боғини жорий йилда ниҳоясига етказиш ҳамкор ташкилот ва йиғин фаолларининг диққат марказида турибди. Шунингдек, ҳамкорликда адо этилаётган ишлар, жумладан, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби амаллар ҳам аҳолининг маҳаллага бўлган эътибори ва ҳурматини янада оширяпти.

Маҳалла — ҳаёт кўзгуси. Унда истиқомат қилаётган каттаю кичик, ёшу қарининг хатти-ҳаракати, бир-бирига бўлган муносабати, ободонлаштириш, бунёдкорлик, тўй-маърака маросимларидаги иштироки, бир сўз билан айтганда, қилинаётган барча хайрли, савобли ишлар маҳаллада ёрқин акс этади. Бу эса маҳаллада қўни-қўшничилик, меҳр-оқибат, эл-парварлигу юртпарварлик, сахийлигу фидойилик, фахр ва ифтихор туйғуларининг юксалишида одамларга ғайрат ва шижоат бахш этиши, шубҳасиз.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент шаҳри Миробод тумани Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БЎЛИНМА ФАОЛИЯТИДАН

Хайрли ишлардан четда турмаймиз

МАҲАЛЛА тизимининг кучли фуқаролик институти сифатида жамият ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Аҳоли масканларидаги бирор тадбир ва жараён маҳалла иштирокисиз ўтмайди. Айниқса, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, оилаларда тинч-тотувликни таъминлашда маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Шу боис, фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиб ва маслаҳатчиларининг касбий малакасини ошириш, уларга услубий ва амалий кўмак бериш, адабиётлар, мебель жиҳозлари, компьютер жамланмаси билан таъминлашда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмалари амалий ёрдами қўл келаётир.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган чорагида жамғарманинг Бухоро тумани бўлинмаси томонидан бешта маҳаллага компьютер, иккита фуқаролар йиғинига мебель жиҳозлари, қирққа яқин маҳаллага эса турли услубий қўлланмалар, адабиётлар олиб берилди. Бундан ташқари, йиғин раислари, маслаҳатчилар, масъул котиблар ўртасида мунтазам ўқув-семинарлар ташкил этилаётир.

Кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўлим мутасаддилари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Айниқса, бу борада боқувчисини йўқотган, кўп болали, кам таъминланган оилаларга қорамол ҳадя қилиш орқали уларни чорвачиликка йўналтириб, оилавий бюджет даромадини яхшилаш анъанага айланган.

«Шехонча» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Розия Холиқова тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғидан эрта айрилди. Қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди бор. Бу оилага бўлинма томонидан бир бош қорамол берилганидан сўнг хонадоннинг суту қатиққа бўлган талаби қондирилди. Шунингдек, ўтган уч ой давомида яна олтита оилага жамғарма томонидан бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. Қолаверса, байрамлар арафасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборимизда. Хусусан, 8 март, Наврўз байрамлари муносабати билан бир миллион сўмлик хайрия ёрдами амалга оширилди. «Галаосиё», «Наврўз», «Ойбек», «Дўстлик» маҳаллаларида ўтказилган 30 нафарга яқин йигит-қизнинг илк мучал тўйини ҳам бўлинма ўз зиммасига олди.

Соғлом жамиятни соғлом ёшлар барпо этади. Баркамол ёшлар эса соғлом маҳаллада вояга етади. Шу боис, бўлинма ходимлари малакали шифокорлар билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида оилада репродуктив саломатликни таъминлаш, никоҳдан ўтувчи ёшлар ўртасида тиббий кўрикнинг аҳамияти ва бошқа мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари олиб борилаётгани яхши самара бермоқда. Ўз навбатида, ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишида маҳаллаларда ташкил этилган спорт майдончаларида ўтказилаётган машғулотлар ҳам айни муддао бўляпти. Айниқса, бу борадаги ишлар «Боғикалон», «Шергирон», «Чорбакр» қишлоқ фуқаролар йиғинларида изчил йўлга қўйилган. Қолаверса, тумандаги 27 та спорт майдончаларини замонавий спорт ускуналари билан жиҳозлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, маҳаллаларда тадбиркорлик марказларини ташкил этиш муҳим вазифалардан бири. Қувонарлиси, фуқаролар йиғинларида оилани ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қатор тадбиркорлик марказлари фаолият юритаётир. Биргина, «Работиқалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Умид» номли оилани ижтимоий ҳимоялаш марказини олайлик. Айни пайтда зардўзлик, каштачилик, тикувчилик каби хизматлар кўрсатилаётган бу масканда 24 нафар, марказнинг «Соҳибкор», «Ойбек», «Галаосиё», «Кўчкўмар» маҳалласидаги филиалларида эса 16 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган далиллар жорий йилда бошланган хайрли ишлар ифодасидир. Келгусида ҳам бундай саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади. Айниқса, «Работак» маҳалласида ёш оилалар учун замонавий тураржой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилгани маҳалла аҳли ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Барпо этилаётган 60 та уй-жойда жиҳозлаш ишлари тугатилгандан сўнг улар ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилган

Умар РАҲМАТОВ,
«Маҳалла» жамғармасининг Бухоро туман бўлинмаси раиси.

ҲАМКОРЛИК

Осойишталикка барча масъул

ҚУВАСОЙ Фарғона вилоятининг Қирғизистон республикаси билан чегарадош шаҳарларидан бири. Шаҳардаги "Боғбон" маҳалласи фуқаролар йиғини 6500 метр масофада қўшни давлат билан чегара ҳудудида жойлашган. Албатта, чегарадош ҳудудда масъулият ҳам юқори бўлади. Шу сабабли, йиғин ҳудудида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда чегара дахлсизлигини таъминлаш, товар ва моддий бойликлар ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш ва бу борада тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ўзбек, тожик, қирғиз, рус, татар, қозоқ ва бошқа миллат вакилларидан иборат 5 минг нафардан зиёд аҳоли тинч-тотув яшаб келаётир.

Маҳаллага кимлар келиб кетаётгани биринчи галда посбонлар, қолаверса, аҳолининг ҳам диққат-эътиборида бўлиши жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил саналади.

— Чегарага яқин маҳаллаларда истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, чегара посбонлар тузилмаси иш фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Жумабой Ёқубов. — Шу сабабли ҳудудимиздаги "Боғбон" маҳалласи фуқаролар йиғинига ҳар томонлама кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Бу борада маҳалла фаоллари билан кенгашиб, аниқ режалар белгилаб олинган. Мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш, контрабанда билан шуғулланувчи фуқароларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига маҳалла посбонлари доимо ёрдам кўрсатиб келишади.

Чиндан ҳам раис айттанидек, "Боғбон" маҳалласи фуқаролар йиғини посбонлар сардори Камолиддин Нуралиев бошчилигида Турсунали Рустамов, Зоҳиджон Астанаев, Нуриддин Усмоналиев сингари "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси аъзолари кечаю кундуз чегара ҳудудларини айланиб, маҳалла осойишталигини таъминлашда фаол хизмат қилишаётир.

— Фаолиятимиздан мақсад аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш, — дейди маҳалла посбонлари сардори Камолиддин Нуралиев. — Маҳалладошларимизнинг тинчлиги, хавфсизлигига биз масъулмиз. Маҳаллага ким, нима мақсадда келиб-кетаётганини билишимиз шарт. Яқинда маҳалламиздаги чегара ҳудудда номаълум шахс томонидан мамлакатимизга ноқонуний равишда товар олиб киритилаётганида посбонларимиз саъй-ҳаракатлари билан тўхтатиб қолинди. Бу иш бўйича айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Маҳалладаги ҳар бир кўчанинг бошланиш қисми назорат қилиб борилади. Эътиборлиси, маҳалла аҳли ҳам посбонлар ишига бажону дил кўмак бериб келишяпти. Шу сабабли кейинги йилларда ҳудудда чегаралар билан боғлиқ жиноятлар камайиб бормоқда.

Азамат МАҲМУДОВ,
"Mahalla" муҳбири.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Саховат ва мурувватдан бошланади кун

Андижон шаҳрининг Саъдий номидаги маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳрахон Исмоилова энди идорага келиб, ходимлар билан суҳбатлашмоқчи бўлиб турганида, хонага Маматҳалим ота Акбаров кириб келди. Бир пиёла чойдан сўнг оқсоқол гап бошлади.

— Қизим, бир маслаҳатли иш бор, шу ҳақда сенинг фикрингни билмоқчи эдик, — деди отахон чойдан хўплаб.

— Жуда яхши, ота, маслаҳатли тўй тарқамас, гапираверинг.

— Маҳалламиздаги Одинахон ва Сардорбек Зокировларнинг оиласини яхши биласан. Хабаримиз бор, уларга қўлингдан келган яхшиликни қилиб келяпсан. Учта ногирон болани тарбиялаш кишидан анчагина сабр-бардошни талаб қилади. Бундай шароитда, айниқса, онага оғир. Назаримда, бу оилага ёрдамни яна ҳам кучайтирмаса бўлмайди. Жума куни эрталаб маҳалла оқсоқоллари шу оиладан бир хабар олиб қўйсакми, деб маслаҳатлашдик. Иложи бўлса, сен ҳам бирга борсанг...

Бир гуруҳ оксоқоллар билан кириб келган Гулчеҳрахонни кўрган уй бекаси Одинахон худди яқин қариндошларини кутиб олаётгандек севинди. Меҳмонлар дуосидан кейин дастурхон ёзишга шайланган эди, уни Маматҳалим ота тўхтатди:

— Ўтир, қизим, ҳеч нарса керак эмас, биз бир жойга шошиб турибмиз, чойни бошқа сафар, худо хоҳласа, фарзандларинг тўйида ичармиз. Биз сен ва турмуш ўртоғингни ногирон норасидаларни ювиб-тараб ўтирганларинг учун дуо қилгани келдик. Қани, Ҳакимжон ака, дуо қилинг, илоҳим, ниятларига етишсин.

Ёши етмишлардан ошиб қолган Ҳакимжон ота Турғунов ногирон болаларнинг ота-оналарини дуо қилди, унга бошқа оқсоқоллар ҳам қўшилдилар.

Оқсоқоллар кетишгач, Гулчеҳрахон шу хонадонда қолиб, оила аҳволи билан чуқурроқ танишишга қарор қилди. Ногирон болаларнинг тўнғичи Сарварбек етти ёшга тўлибди, унинг тенгдошлари мактабга боришмоқда. Укаларини боғчага жойлаштириш зарур...

Ўша куни жума эди. Шу-шу Гулчеҳрахон жума кунини саховат ва мурувват куни, деб белгилади Жума куни маҳалладаги ногиронлар, ётиб қолган фуқаролар ҳолидан хабар олинади. Оқсоқоллар ҳам бу тадбирга қизиқиб қолишди. Ҳар пайшанба кечки пайт маҳалла идорасида эртанги вазифалар муҳокама қилинади. Бу яхши одат эндиликда, бошқа маҳаллалар жамоаларининг ҳам эътиборини тортмоқда.

Ўтган жумада маҳалладаги кам даромадли оилада вояга етган икки нафар қизни шу маҳалладаги йигитларга унаштириш маросими ўтказилган эди. Бугун шу ёшларнинг тўйлари. Ҳеч қандай ортиқча харажатга йўл қўйилмади. Тўйхонанинг тўрига қўш келин-куёвлар учун жой қилинди. Ёш-яланглар, қариндошуруғлар билан камтарона базм уюштирилди. Дастурхонни Муборакхон Исломова, Ойимсахон Зокирова, маҳалла маслаҳатчиси Мавлудахон Эназарова каби фаол маҳалла аёллари безашди. Овқат учун кетган масаллиқ ва ширинликлар харажатини саховатпеша тадбиркор Ғайратжон Турғунов кўтарди.

Базмдаги асосий гап-сўзлар ўтиб, навбат ўйин-кулгига еттанда Гулчеҳрахон аста туриб тўйхонадан чиқди. У энди маслаҳатчи Мавлудахон билан вилоят «Мурувват уйи»даги уч нафар қариядан хабар олиши керак. Уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш Саъдий номидаги маҳаллага бириктирилган. Ҳеч кими йўқ бу қариялар ҳар жума куни Гулчеҳрахоннинг келишини орзиқиб кутадилар. Йиғин раиси тўйдан бериб юборилган пишириқлар ва ошни ўртага қўйиб, ўзи чой дамлаб, отахонлар билан ярим соат суҳбатлашди. Таомдан сўнг қариялар уларни ҳам йўқлагувчи инсонлар борлигидан қувониб, дуога қўл очдилар.

Бугун уч нафар ногирон болани тарбия қилаётган Одинахонга ҳам қувончли хабарни етказиши керак. 6-мактабнинг биринчи синфига қабул қилинган Сарварбекка муаллима опаси келиб уйида сабоқ бермоқчи. Кеча унга давлат томонидан бепул бериладиган аравача ҳужжатларини ижтимоий таъминот бўлимига топширди. У ердагилар яқин орада келадиган аравачаларнинг биринчисини Сарварбекка беришни ваъда қилишди. Демак, у яқин орада кўчага чиқиб, тенгдошлари билан суҳбатлаша олади...

Ана шуларни ўйлаб раис қадамларини жадаллатди. Чунки уч ярим мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган маҳаллада унга кўз тикиб турган одамлар, у ҳал этиши керак бўлган масалалар ҳали кўп эди.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — МАКТАБ»

Тарбияда устоз ибрати муҳим

Халқимиз азалдан кийинишга алоҳида эътибор билан қараган. Чунончи, тўй ёки азага, меҳмондорчиликка ёки ишга кийиладиган кийимлар бир-биридан тубдан фарқланиши кийинишнинг инсон руҳияти, феъл-атвори, кайфияти, тарбияси билан боғлиқ жиҳатлари кўплигини кўрсатади.

Кийиниш — баркамол авлод тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки ёшларимизнинг кийган кийимлари уларнинг муомаласи, юриш-туришига таъсир этмай қолмайди. Кўча-кўйда яримяланғоч, тор ва калта кийимлар кийиб олган қизлар ёки сочларини елкасигача ўстириб, сирға тақиб олган йигитларни учратамизки, баъзан бундай ҳоллар кишини ранжитади.

Ҳозирги даврда истаганча яшаш ва кийиниш мумкин, деб неча асрлардан бери сайқал топиб, асраб-ардоқланиб келинаётган миллий ўзлигимиздан воз кечиш, қадриятларни оёқости қилиш, «оммавий маданият» тўрларига ўраниб, унга кўр-кўрона эргашиш маънавиятсизлик белгиси.

Ёшларимизни бундай тажовузлардан асраш, улар қалбига миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини уйғотиш борасида «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигининг ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, Боғот туманидаги 15-умумтаълим мактабида ҳам бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда.

— Мактабимиз «Ашхобод» маҳалласи ҳудудида жойлашган бўлиб, унда маҳалламизнинг 625 нафар фарзанди таълим-тарбия олмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Худоёр Абдуллаев. — «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигини янада жиплаштириш, ҳар бир болани муносиб тарбиялаш йўлида ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ота-оналар сидқидилдан хизмат қилишаётир. Мактабимизда ўқувчилар формаси жорий этилган бўлиб, форманинг иқлим шароитимиз, ўқувчиларнинг ёши ва физиологик ривожланиш хусусиятлари, қолаверса, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга мослигини ҳисобга олганмиз. Шундай бўлса-да, айрим ўқувчиларнинг мактабга ўта тор, калта кийимлар кийиб келиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида кийиниш одоби бўйича тез-тез давра суҳбатлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштиряпмиз.

— Мактаб дунё иморатлари ичида энг улуғидир, чунки бу ерда келажагимиз эгалари камол топади, — дейди «Ашхобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ўктам Хўжаниёзов. — Аммо фарзандни баркамол қилиб улғайтириш фақат ўқитувчи ёки ота-онанинг зиммасидаги вазифа эмас. Бу вазифага бутун бошли жамоа, қўни-қўшни, қавму қариндош, маҳалла-кўй ҳам масъул. Шундай экан, маҳаллада ҳар бир болани назоратга олишга ҳаракат қиляпмиз, ота-оналар ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширяпмиз.

Шарқда мавжуд «Устоз — шогирд» анъанасида толиби илмнинг устоз олдидаги бурч ва масъулиятлари баробарида устознинг ҳам шогирдлар олдидаги қатор масъулиятлари зикр этилган. Чунончи, ўқувчиларимиз бизга «Устоз», дея мурожаат этганларида, мен шу номни оқлаяпманми, деган саволга жавоб топа билишимиз лозим. Яқинда бир ўқувчимиз сочларини турфа ранга бўяб келди. У билан алоҳида суҳбатлашсак, бир устозининг соч турмаги жуда ёққани, унга ўхшашни исташини айтди. Демак, ўқувчи ўқитувчидан яхши фазилатларни ҳам, ёмон жиҳатларни ҳам ўзлаштиради, кийиниш, юриш-туриш, покизаликни ўрганади, унга эргашади. Шундай экан, ўқувчи тарбиясида устознинг ибрати юят катта. Зеро, Ватанимизнинг эртанги тақдири фарзандларимизнинг бугунги тарбияси, одоб-ахлоқи билан белгиланади.

Лолажон СОЛАЕВА,
Боғот туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси.

БУГУННИНГ ГАПИ

Миллий либосларимиз — миллий қадриятларимиз

Халқимиз нафақат миллий либослари, балки ўзига хос одоб-ахлоқию кенгфеъллиги, меҳмондўстлиги билан ҳам ном қозонган. Ор-номус, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, ибо, ҳаё сингари сифатлар халқимизнинг улуғ фазилатлари ҳисобланади. Бир онахоннинг куйиниб гапирганини кўп эслайман: «Эгним шоҳи, адрас кўйлак, бошим ироқи дўппи кўрмади. Фақат орзу-ҳавас қилар эдим. У вақтлар қимматчилик, етишмовчилик даврлари эди-да. Бугун бозорларимиз шоҳи, адрасга тўла. Ёшларимизнинг армони йўқ. Аммо қизларимиз шоҳи-адрасларни кийиб, яшнаб юришмайди-да. Бошингга дўппи кийгин, болам, иссиқ-совуқдан асрайди, десам: "Буви, эски замоннинг гапини қўйинг», дейди. Калта юбка ва шимни замонавий либос, деб ўйлайди-да айрим ёшларимиз. Ахир, миллий либосларимиз ўзлигимизни билдиради, кимлигимизни кўрсатади-ку".

Миллий либосларимизга эскилик сарқити, деб қараладиган даврлар ортда қолди. Мустақиллик миллий қадриятларимиз, маданий меросимизни қайтариб берди. Бозорларни айлансангиз, фарзандига ироқи ёки чуст дўпписини қидираётган ота-оналарга, адрас харид қилаётган ўсмир қизларга кўзингиз тушади. Вилоятимизнинг қай бир маҳалласига борманг, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Уларда чевар қизжувонлар миллий матолардан қадриятларимизга мос замонавий сарполар тикишяпти.

Хусусан, шаҳрисабзлик чеварларнинг каштачилик борасидаги маҳорати дунёга машҳур. "Қўшҳовуз" маҳалласида истиқомат қилаётган ҳунарманд Фазилат Қодирова тиккан нимча ва миллий либослар ташқи бозорда ҳам жуда харидоргир.

Қуш уясида кўрганини қилади, деган мақолга биноан ёшларда миллий меросимиз, қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтиришни оиладан бошлаяпмиз. Ота-оналар ўртасида бола тарбиясини такомиллаштиришга оид тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Боланинг кийинишидан тортиб, ўйинчоғигача эътибор берилса, ота-она ҳам муомалада, ҳам юриш-туришида фарзандига ўрнак бўлса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Тадбиркорлар кўмаги билан қадриятларимизга мос миллий ўйинчоқ ва қўғирчоқлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Бугун савдо дўконларида адрас ёки беқасам либос кийган, юз ифодасида ибо, ҳаё акс этган қўғирчоқларга кўзингиз тушади. Ўйлайманки, уларни ўйнаб ўсган қизалоқда ўзбекона хулқ-атвор мустаҳкам бўлади.

© Фото-Носир Ҳайдаров

Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий ғурурни уйғотиш, ўзликни англашда миллий либосларнинг ўрни ниҳоятда катта. Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир маҳаллада, мактаб ва касб-ҳунар коллежларида "Миллий либосларимиз — миллий қадриятларимиз", "Ёшларнинг маънавий қиёфаси: ахлоқ-одоб ва кийиниш маданияти" мавзуларида мунтазам равишда тадбирлар ташкил этиб келяпмиз.

Қарши тумани "Нуқрабод" маҳалласидаги 8-мактабда ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, кўпни кўрган қариялар, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди, эзгу қадриятларимиз, миллий либосларимиз миллий ғуруримиз эканлиги, кийиниш маданияти, ўзбекона лутф ва фазилатларимиз хусусида ҳаётий мисоллар асосида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу тумандаги 40-сонли ўрта мактабга борганимизда бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Мактаб формасида юрган ўқувчи қизларнинг барчаси ироқи дўппи кийган. Бу бир қарашдаёқ эътиборни тортадиган ҳолат эди. Айтишларича, қизлар бир-бирига ҳавас қилиб, дўппи кийишибди. Ана шу ҳавас бир кун келиб ғурур ва ифтихорга айлансин, деб ният қилдик.

Қиз бола миллатнинг кўзгуси. Эртага у она бўлади, янги авлодни тарбиялайди. Миллий анъаналаримизни давом эттиришда, қадимий меросимизни, анъаналаримизни асраб-авайлашда унинг маънавий камолоти ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Шундай экан, қиз боланинг тарбиясига эътиборсиз бўлиш асло мумкин эмас. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ўтказилган давра суҳбатига талабаларнинг ота-оналари ҳам таклиф этилиб, юқоридаги масала юзасидан баҳс-мунозара юритилди. Шунингдек, Китоб туманидаги маданият саройида, Муборак тиббиёт коллежида, Қамаши туманидаги "Қорасув" маҳалласида ташкил этилган тадбирларда ҳам ушбу мавзу доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундай тадбирлар мунтазам ташкил этилиб борилаётгани туфайли ёшларимизда халқимизнинг урф-одатлари, расм-русумларию байрам сайилларига қизиқиш ортди. Ота-боболаримиз удумларини ардоқлаб, давом эттириб келишаётганини уларнинг хатти-ҳаракатида, гап-сўзию кийиниш маданиятида кўриш мумкин. Жорий йил — мустақиллик байрами арафасида вилоят миқёсида миллий либослар кўрик-танловини ўтказишни режалаштирдик. Ўйлаймизки, бу танлов миллий меросимизнинг ажралмас бир бўлаги — миллий либосларимизни тарғиб қилиш ва авайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Долли АЛЛАЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими бошқаруви раиси.

Жамият равнақининг муҳим кафолати

"Соғлом она – соғлом бола" концепцияси – амалда

(Давоми. Боши 6-саҳифада)

Яна бир воқеа. Тиббий кўрик натижаларидан сўнг бўлажак куёв бир эмас, бир нечта хавфли юқумли касалликка чалинганлиги маълум бўлди. Тўрт мучаси соғлом қиз эса ҳаммасини била туриб турмуш қуриш фикридан қайтмади. Бўлажак келин ўз ҳаётини барбод қилибгина қолмай, туғилажак фарзандининг соғлиғини ҳам хатарга қўяётганини, ҳар қанча тушунтиришларга қарамай, англаб етмади. Натижада ногирон фарзанд дунёга келди.

Қўлида бола, қўйнида бола, бўйида бола

Она ва бола соғлом бўлишининг зарур шартларидан бири туғруқлар орасидаги муддатни сақлашдир. Фарзандлар туғилиши орасидаги оралиқ камида 3-4 йил бўлгандагина онанинг соғлиғи тикланади, мустаҳкамланади, фарзандини тўлақонли кўкрак сути билан эмизиши, унга бор меҳри ва эътиборини бериши ва кейинги ҳомиланинг соғлом ривожланиши учун шароит яратилади. Бу муддат сақланмаган ҳолда онада камқонлик ривожланади ва аёл организми касалликларга берилувчан бўлиб қолади. Навбатдаги ҳомиладорлик туфайли туғилган чақалоқни кўкрак сути билан эмизишни давом эттириб бўлмайди, ҳомиланинг ривожланиши ва ўсиши учун зарур озиқ моддалар етишмайди.

Афсуски, шифокорлар кўрсатмасига риоя қилмай, саломатлигига бефарқ қарайдиган баъзи аёллар билиб туриб ўз ҳаётини хатарга қўймоқда.

Тошкент шаҳридаги туғруқ мажмуаларидан бирига йигирма икки ёшлардаги ҳомиладор аёл оғир аҳволда олиб келинди. Бундан бир йил олдин биринчи фарзандини кесир кесиш усулида дунёга келтирган бу аёл ўзи истиқомат қиладиган ҳудуддаги оилавий поликлиникада бир неча бор тиббий кўрикдан ўтказилган. Бундай аҳволда яна ҳомиладор бўлиш ҳаётига жиддий хавф туғдириши шифокорлар томонидан уқтирилиб, контрацептив воситалар билан таъминланган. Бироқ у шифокорларнинг кўрсатмаларига риоя қилмай, қайнонасининг «ёшлигингизда, куч-қувватингиз борида туғиб олинг, болалар бир-бирини етаклаб катта бўлаверади», деган гапига қулоқ тутиб, иккинчи бор фарзанд кўришга қарор қилган. Ҳали қўлида эмизикли боласи бор она учун ҳомиладорлик ниҳоятда қийин кечди, камқонлик уни ҳолдан тойдирди. Туғруқхонада шифокорлар она ва боланинг ҳаётини асраб қолиш учун қаттиқ курашдилар. Ҳомила сақлаб қолинди, аммо аёл нобуд бўлди.

Не-не орзу умидлар билан оила қурган, фарзандларимнинг бахту саодатини кўраман, дея ният қилган бу аёлнинг умри шу тахлит завол топди. Она меҳридан мосуво бўлган икки норасида гўдак эса кўнгли ўксик ҳолда яшашга мажбур.

– Ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда она организми кўп қувват сарфлайди, ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиқади. Ўзини яна тўлиқ тиклаб олиши ва навбатдаги фарзанд кўришга тайёр бўлиши учун камида 3-4 йил вақт зарур бўлади. Демак, бу муддат она учун ҳам, туғилажак фарзанд учун ҳам мақбул давр, – дейди Абдулазиз Мансур. – Ислом дини таълимотида туғруқлар орасидаги муддатларнинг қисқа бўлиши, шунингдек, кўкрак сути билан эмизилаётган даврда ҳомиладорлик маъқул кўрилмаган.

Қуръони каримда бундай дейилган:

«Оналар болаларини тўлиқ икки йил эмизадилар. Бу эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир» («Бақара»-233).

«Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир...» («Аҳқоф»-15)

Бу даврда ҳомила пайдо бўлса, эмизикли чақалоқнинг ризқ-насибаси «кесилиб» қолади.

Боланинг шаклланиши ва ривожланишида она сутининг аҳамияти беқиёсдир. Она сути 2 йил мобайнида гўдакка асосий ва энг афзал озуқадир. Она сути таркибида махсус иммун гормонлар бўлиб, улар бола организмини турли хил касалликларга чидамли, ҳаётининг дастлабки кунларидаёқ соғлом ва бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди. Она сутининг яна бир бебаҳо хусусияти шуки, у боланинг ақлий ривожланиши меъёрида кечишида муҳим ўрин тутади.

Агар бола 3-4 ойга тўлмасиданоқ аёл яна ҳомиладор бўлиб қолса, кўкрак сутининг таркиби ўзгаради ва ўз хусусиятини йўқотади, шу боис у эмизикли бола учун зарарга айланади. Бундай вазиятда, аксарият оналар боласини кўкрак сути билан озиқлантиришни тўхтатади. Оқибатда, болалар ўзларининг саломатлиги ва ақлий ривожланиши учун энг муҳим неъмат бўлмиш она сутидан бебаҳра қолади.

Бундан ташқари, ўзининг бор имкониятларини олдинги боласига сарфлаб бўлган она организми бир-бир ярим йил ичида дунёга келадиган навбатдаги фарзанднинг ривожланиши, туғилиши, ҳаётининг дастлабки кунлари ва ойлари учун муҳим физиологик, руҳий ва психологик қувватни тўла бера олмайди. Устига-устак ҳали ёшига етмаган болани парвариш қилиш оналардан қўшимча вақт, куч, эътибор ва эмоционал зўриқишларни талаб қилади. Ёш бола парвариши билан боғлиқ равишда онада кечадиган оғир руҳий ва эмоционал ҳолатлар, асабий зўриқишлар, шубҳасиз ҳомиланинг нормал ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ҳали тўла тикланиб улгурмаган онадан туғилган болалар аксарият ҳолларда нимжон, ҳар хил касалликларга тез чалинувчан бўлади. Аммо, баъзи аёлларимиз ва уларнинг умр йўлдошлари бу масалага масъулиятсизлик билан ёндашмоқда ва охир-оқибат бунинг азобини ўзлари тортишга мажбур бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қайд этилган бир ҳолат бу фикрни тасдиқлайди. 24 ёшли аёл 5 нафар фарзанд кўришга улгурган. Йилига туғавериш унинг соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсаттан. Ранги рўйи синиққан, камқонлик, буқоқ безовта қилади. Фарзандлари ҳам нимжон, ёшига нисбатан вазни анча енгил.

Шифокорлар бунинг сабабини аёлнинг ҳомиладорликдан сақлана олмаганлиги билан изоҳлайди. Ваҳоланки, ҳудуддаги оилавий поликлиника шифокорлари фертиль ёшидаги аёллар ўртасида исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш борасида батафсил тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бепул контрацептив воситалар тарқатилмоқда.

– Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш масаласи кўпгина ислом давлатларининг диний экспертлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, – дейди Абдулазиз Мансур. – Бошқача айтганда, кўпчилик ислом давлатларида контрацепция воситаларидан фойдаланиш кенг миқёсда қўлланилмоқда. Аллоҳдан соғлом, ақлли, наслимизга, халқимизга, давлатимизга ва динимизга хизматда бўладиган комил фарзандларни умри билан, ризқи билан беришини сўрашимиз ва шунга интилишимиз ҳамда тайёр бўлишимиз керак. Ҳар бир туғилаётган фарзанд ота-онасининг исталган боласи бўлиб, уларнинг муҳаббати, парвариши ҳамда ғамхўрлигига сазовор бўлишга ҳақлидир.

Ҳар томонлама соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни рағбатлантириш тадбирлари замирида ҳам баркамол авлодни воягa етказиш мақсади мужассам. Зеро, оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги жамият равнақининг муҳим кафолатидир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Шукроналик

Ҳайдар бобони ёшлигимдан биламан: камтар, камсуқум ва ҳалол инсон. Умри бўйи Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида таълим соҳасида ишлаган. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, доимо маҳалла-қўйдаги ишларга бош-қош. Қачон қараманг, бировларнинг ташвиши билан елиб югуради. Маҳалладагилар бирор тадбир ўтказмоқчи бўлса, албатта, отахон билан маслаҳатлашишади.

Яқинда Ҳайдар бобони туман марказида учратиб қолдим. Бир қишлоқдошимизнинг иши учун марказга келган экан. Зимдан қарияга назар солдим: йиллар силсиласи чизиқлар торттан кенг пешонасида, қотма юзларида мамнунлик аломати балқиб турибди. Бироз суҳбатлашдик. Гап айланиб, айрим одамларнинг ношукрлигига тақалди.

— Тунов куни десангиз, Ибодулла борку, нолиб қолса бўладими, — дея гап бошлади, Ҳайдар бобо. —Суриштирсам, мендан икки баравар кўп пенсия олар экан. «Уят-е», дедим. Шукр қилишни билмайди.

Ибодулла деган кишини ҳам яхши танийман. Тайинли бирор ишнинг бошини тутмаган. Бировга беминнат яхшилик қилмаган. Ҳаёти давомида оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб, умрини аризабозлик билан ўтказган.

— Ўзингиздан гапиринг, ўзингиздан. Момом қандай? — дедим гапни буриб.

— Э, ука, болалар ўзи билан ўзи бўлиб кетишган. Кампир иккаламизга давлат бераётган пенсия бемалол етиб ортади. Замон яхши бўлиб кетяпти, қувончдан, ғурурдан юрагинг кўксингга сиғмайди. Атрофга бир боқ, атрофга! Юрт гўзаллашиб, обод бўлиб боряпти. Қани эди, шу топда бирдан ёш бўлиб қолсам. Биласанми, биз қандай мактабларда ўқиган эдик? Томининг усти ёпилганини айтмаса, чордевор эди, чордевор. Мактаб болалари гуррос ўтишса, шиппагча қуюқ чанг кўтариларди-ю нафасинг қайтиб кетарди. Энди қаранг, бирбиридан кўркам, чиройли мактаблар қуриляпти. Бир кун мактабга кириб, оғзим очилиб қолди. Синфхоналар кенг, шинам, тоза-озода, билим олиш учун компьютерлар дейсизми, э-э-э... бариси бор. Энди ёшлигим ўтиб кеттани алам қилади. Бозорларимизни айтмайсизми, тўкинчилик, обод, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Йўлларни айтмайсизми, кафтдек теп-текис. Юрса мошин ҳам, одам ҳам роҳат қилади. Тоғ оралаб кетаётган анави поездга бир қара!.. Ким ўйлабди бу ерлардан поездлар ўтади, деб. Баланд-баланд тоғларни қўпориб, темир йўллар ўтказишди-ей, азаматлар! Тушга кирмаган воқеалар. Буларнинг бари мўъжиза-ку, мўъжиза! Бу кунларнинг қадрига етиш керак, иним. Ишқилиб, юрт тинч бўлсин! Яратган эгамга шукр қилиш керак, шукр!

© Фото-Носир Ҳайдаров

Ҳайдар отанинг нуроний чеҳрасида масрурлик балқиб, мамлакат фаровонлигидан шодлиги танасига сиғмай юраги тўлиб-тошиб, жўшиб-жўшиб сўйларди. Ана шундай самимий инсонлар билан мулоқотда бўлсанг, қалбинг бир олам севинчга тўлади, юртта бўлган меҳринг ортади.

Абдуқаюм БЕККАМОВ.

ТАШАББУС

Кўпнинг кўнгли шод бўлди

Хива туманида Шомохулум қишлоғининг «Варағзан» маҳалласида истиқомат қилаётган саксон ёшли Отабой бобо Юсуповнинг ҳаёт йўли ибрат олса арзигулик.

Деҳқончиликни улуғлаб, кўплаб шогирдлар етиштирган Отабой бобо яқинда хайрли ишга қўл урди: ўғиллари Аҳмаджон, Рустамбой ва бир гуруҳ маҳалла фаолларини ёнига чорлаб, кўримсиз аҳволга келиб қолган қишлоқдаги Алижимард бобо қабристонини обод қилиш ниятини айтди.

Бобонинг таклифи барчага маъқул бўлди. Режа тузилди. Ҳар кимнинг вазифаси белгиланди. Усталар жалб қилинди. Ҳашарга маҳалла ёшлари чорланди. Ишга киришилди. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидек, қисқа фурсатда фаоллар саъй-ҳаракати билан қабристон обод жойга айланди. Қишлоқ марказида қад ростлаган мўъжазгина оталар чойхонаси эса отахонларнинг кўнглидаги иш бўлди.

Муҳими, маҳаллада амалга оширилган ушбу хайрли тадбирлар кўпнинг кўнглини шод этиб, гузарга кўркам қиёфа бағишлади.

Матжон ЮСУПОВ,
Хива туманидаги 54-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 233-39-89, 233-10-73, 236-53-93, 236-53-75, 236-57-62, Факс: — 236-57-94
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Тўлқин Рўзиев, Юлдуз Ҳожиева
Мусаҳҳиҳ: Нодира Холмирзаева
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.
www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz mahalla.gz@rambler.ru 20902 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-413 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5